O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 13-fevral • № 7 (3734)


## НУРГА ТЎЛСИН АЗИЗ БОБОМ АЛИШЕРНИНГ МАКОНЛАРИ







Мустақиллик йилларида ҳар йили Ҳазрат Навоий бобомизнинг таваллуд санасини катта шодиёна билан нишонлаш яхши анъанага айланди. Улуғ шоир туғилган куннинг 563 йиллигига бағишлаб, 9 феврал куни бўлиб ўтган тадбирлар ҳам миллатимиз фахр-ифтихорига айланган буюк инсонга бетимсол ҳурмат-эҳтиромнинг намойиши бўлди.

Шеърият байрами бошланишидан бир-икки соат муқаддам Миллий боғдаги буюк мутафаккир ҳайкали сари кўтариладиган зиналарда гул кўтарган талабалар, гўзал қизлар, адабиёт мухлисларини кўриш мумкин эди. Йиғилганлар чеҳрасида мамнуният, улуғ шоир хотирасига эҳтиром туйғулари барқ уриб турарди. Зотан, Ҳазрат Навоий нафақат шоир ва мутафаккир, балки йирик давлат арбоби сифатида мамлакат ободлиги ва раиятнинг маънавий камоли, бахтиқболи учун ҳам курашган.

Алишер Навоий бобомизнинг муҳташам ҳайкали пойида бўлиб ўтган пойтахт жамоатчилиги намояндалари, ижодкорлар, навоийшунос олимлар, дипломатик корпус вакиллари, адабиёт мухлислари иштирокидаги тадбирни очар экан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов шундай деди:

*— Муҳтарам дўстлар ва меҳмонлар!*

*Биз бугун авлиё шоиримиз Навоий ҳазратлари таваллудининг 563 йиллигини нишонламоқдамиз. Бобомиз шаънига ҳар қанча мақтов сўзларини айтиб адоғига етиш қийин. Бобомиз ҳақида 25 миллион юртдошларимиз 25 миллион марта бир-бирини такрорламайдиган изҳори дил айтишга тайёр!*

*Айниқса, Президентимиз томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган бу йилимиз Ҳазрат Навоий идеалларига ғоятда мосдир. Биз Навоий бобомизни тўлиқ маънода меҳр-мурувват куйчиси, десак бўлади.*

**Ҳимматсиз киши эр сонида эмас,**
**Ва руҳсиз баданни киши тирик демас.**

*Ушбу байтни шоирнинг бош шиори, деб айтишимиз мумкин. Албатта, Навоий жаҳоншумул шоир. Бироқ мустақиллигимиз йилларидагина бобомизнинг ҳурматларини чинакам бажо қилиш имконига эга бўлдик. Истиқлолимизнинг бошидаёқ бир йилни Навоий йили, деб эълон қилганмиз. Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолиги билан шоирга муҳташам ёдгорликлар ўрнатилди. Москва шаҳрида Навоий ҳазратларига рус халқининг ҳурмати рамзи сифатида ҳайкал ўрнатилди. Япониянинг Токио шаҳрида Сока университети қошида жаҳоннинг энг буюк сиймолари қаторида Навоий ҳайкали ҳам қад кўтариш арафасида турибди. Бу ҳайкалнинг муаллифи, таниқли ўзбек ҳайкалтароши Миртожиевдир. Шунингдек, Америка Қўшма Штатларининг Жоржия университетида ҳам Навоий бобомизга ҳайкал ўрнатилиши ҳақида эшитдик.*

*Куни кеча шоиримизнинг "Лисон ут-тайир" асари инглиз тилида нашрдан чиқди. Бу асарни аслиятдан инглиз тилига таржима қилишда Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети мутахассиси Носир Қамбаров ва АҚШнинг Марказий Осиёга беғараз ёрдам ташкилоти вакили Гарри Дик ҳамкорликда саъй-ҳаракат кўрсатдилар. Бу асар билан Голливуд киночилари ҳам қизиқишмоқда.*

*Мен ҳозир катта қувонч билан шуни маълум қиламан: Алишер Навоий бобомиз асарларининг 20 жилдлик нашри якунланди. Бу чинакам улуғ ишга раҳнамолик қилган, бош қўшган, меҳнат қилган барча-барчага миннатдорчилигимизни билдирамиз. Энди навбат Навоий асарларининг мукаммал изоҳли луғатини яратишгадир.*

*Бизнинг дилимизни узоқ йиллардан бери бир армон кемириб келарди. Дарёнинг ортидаги нотинчликлар кўпгина боболаримиз қатори Навоий мақбарасини ҳам таъмирлаб обод қилишимизга имкон бермас эди. Президентимиз Ислом Каримов бу улуғ савоб ишга шахсан бош бўлиб, яна бир буюк ҳиммат кўрсатиб турибдилар. Навоий мақбараси энди кўнгилдагидек бўлиб таъмирланмоқда. Термиздан Ҳирот сориға йўллар тортилмоқда.*

*Бугунги байрам — шеърият байрами, адабиёт байрами, эзгулик байрами. Бир-биримизга меҳр кўргузадаган байрам.*

Тадбирда сўзга чиққан олима Суйима Ғаниева, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Андре Костий Ҳазрат Навоийнинг мутафаккир ва давлат арбоби сифатида инсоният бахт-саодати йўлида кўрсатган хизматлари нуфузини таъкидладилар. Шоира Фарида Афрўз бу кунни "Сўз аҳли байрами" сифатида атаб, сўз мақомига бағишланган шеърини ўқиб берди.



Шу куни "Нурга тўлсин азиз бобом Алишернинг маконлари" сатри хотираларга муҳрланди. Устод шоиримиз топиб айтганларидек, улуғ мутафаккирнинг номи, сиймоси ҳамма замонларда ҳам инсониятни эзгуликлар сари бошлайверади.

Ҳазрат Навоий нафақат мурувват куйчиси, балки ўз аъмоли билан сўзларини исбот этган даҳо сифатида ҳам барҳаётдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

Алишер Навоий ҳазратларининг туғилган куни муносабати билан пойтахт марказидаги "Шоирлар хиёбони"да, улуғ шоир номидаги Адабиёт музейи, кутубхоналар, олий ўқув юртларида мушоиралар, навоийхонлик анжуманлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида эса Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган анъанавий Навоий адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анжуманнинг 48-йиғилиши бўлди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов анжуманда сўзга чиқиб, Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш ва улуғ шоир асарларининг йигирма жилдлигини нашр этиш борасида академия олимлари амалга оширган хайрли ишларни алоҳида таъкидлади. Илмий анжуманда таниқли адабиётшунос олимлар Абдуқодир Ҳайитметов, Иброҳим Ҳаққул, Суюма Ғаниева, Афтондил Эркиновларнинг Навоий ижодий меросини ўрганишга доир қимматли маърузалари тингланди.

Анжуманни ЎзРФА вице-президенти Тўра Мирзаев бошқарди.

## ФАХР-ИФТИХОРГА МУНОСИБ СИЙМО

Алишер Навоийнинг таваллуд санасига бағишланган тантанали маросимда менга сўз берилганидан ғоят хурсандман. Бу мен учун катта шараф.

Менинг нутқим — мендан олдин сўзлаган ва мендан кейин сўзлайдиган билимдонлар, навоийшуносларнинг нутқларига нисбатан илмий бўлмас. Мен фақатгина юртимда Алишер Навоийга муносабат қандай эканлигини сизларга айтиб ўтмоқчиман.

Ўн тўққизинчи асрдаёқ Франция шарқшунослик фани бу буюк мутафаккирнинг асарларини таниган ва юқори баҳолаган. 1861 йилда «Journal Asiatique» деган журналда шарқшунос Белиннинг «Мир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар» мақоласи чоп этилгани бунинг далили.

Яқинда Париждаги Шарқшунослик институти қошидаги Жаҳон шеърият маркази Навоийнинг шеър ёзиш услубига қизиқиб, икки нашрни амалга оширди.

Бири — Навоийнинг француз тилига таржима қилинган катта ғазаллар мажмуаси, 1991 йилда Парижда Жан-Пьер Балп томонидан нашр этилган.

Иккинчиси — 2001 йилда Парижда чоп этилган Тошкентдаги Француз Марказий Осиё илмий тадқиқот институтининг ҳозирги мудири Рэми Дорнинг Навоийнинг шеърий услубига оид мақоласи.

Парижда «La Temuride» деган француз ассоциацияси фаолият кўрсатади. 1996 йили апрел ойида ўтказилган Амир Темурга бағишланган тантанали маросимда ушбу ассоциация Навоий асарларига оид томоша ташкил этди.

Француз томошабинлари Навоий ғазалларини Муножот Йўлчиева, Муножот Тешабоева, Зулайҳо Бойхонова каби бетакрор овоз соҳибалари ижросида тинглаб, ҳайрат денгизига чўмдилар.

Ўша вақтда ушбу ассоциация раиси Люсьен Кэренга Президент Ислом Каримов Президент Ширак олдида орден топширган эди. Бу унинг ижодига, хусусан, «Темур даврида Самарқанд йўли» китобига берилган юксак баҳодир.

Француз олимлари Навоийнинг ижоди ва фаолиятини юксак қадрлайди. Мир Алишер давлат ва сиёсат арбоби бўлиш баробарида буюк гуманист ҳам бўлган. Унинг тафаккури Ўрта Осиёда абадий из қолдирган.

Навоий араб, форс тилларини мукаммал билган, туркий адабий тилни юксак мавқега кўтарган.

Мен улуғ шоирнинг фан ва санъатга ҳомийлиги ҳақида алоҳида тўхтаб ўтмоқчиман. XV асрнинг иккинчи ярмида Навоий туфайли Ҳирот илм, санъат ва адабиёт марказига айланган. Навоий мусиқа, бадиий санъатлар, меъморшунослик ривожига алоҳида аҳамият берган. Тўрт юзга яқин ёдгорлик қурилишига маблағ ажратган. Навоий вақфлари олимлар, талабалар, санъаткорлардан ташқари жамиятнинг ночор қатлами манфаатларига ҳам хизмат қилган.

Алишер Навоий фахрланишга муносибдир. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун севгисини куйлаган шоир аскет ҳаётини кечириб, уйланмай, ёстиқдошсиз умр кечирган бўлса ҳам, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол бўлган.

У ҳақда кўплаб ривоятлар, афсоналар тўқилган. Эртакларда "Мир Али" номи билан камбағал ва зулм кўрганлар ҳимоячиси сифатида таъриф этилгани ҳам бежиз эмас.

Фаолияти, тафаккури, ижодий мероси билан жамият тараққиётига катта таъсир кўрсатган мутафаккирни сизлар билан бирга ёд этиб турганимдан мамнунман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

**Жак Андре КОСТИЙ,**
**Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси**

## 14 ФЕВРАЛ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТУҒИЛГАН КУН



Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 — 1530) жаҳонга машҳур «Бобурнома» асари, дилбар ғазалларини жамлаган шеърий девони, арузга оид «Мухтасар»и ва яна бир неча асарлари билан шуҳрат топган улуғ шахс. Албатта, унинг ҳарбий юришлари, ғалаба ва мағлубиятлари ҳақида ҳам тарихчи олимларимиз анчагина фикрлар билдиришган.

«Бобурнома»ни синчиклаб мутолаа этарканмиз, бу темурийзоданинг ёшлигидан бобоси Амир Темур империясини қайта тиклашда, кенг миқёсдаги ҳудудда ягона, мустаҳкам сиёсатни юргизишга интилишида, орзуларини маълум даражада рўёбга чиқаришда нималарга асослангани ҳақида ўйладик. Биз бу ечимни Бобурнинг изчил шахсий жасорати, ўткир тафаккури, ҳарбий маҳоратида кўрдик.

Таҳлилимизни 1495 — 96-йиллар воқеалари — Бобур 13 ёшда пайтида Хуросон, хусусан, Ҳисорда қандай ҳолат ҳукмрон бўлганидан бошлаймиз. Бу даврда темурий шаҳзодалар ва беклар юрт олишга ошиққан. Султон Ҳусайн Бойқаро тасарруфидаги Ҳисорда Султон Маҳмуд мирзонинг беки Хисравшоҳ бош кўтариб, Бойқаро билан урушиб, икки марта унинг устидан ғолиб келади. Бобур бу ҳолатга шундай баҳо беради: «Хисравшоҳнинг мунча улғаймоғиға ва мунча ҳадди етмас ишларни қилмоғиға Султон Ҳусайн мирзонинг икки қатла келиб ола олмай ёнмоғи сабаб бўлди».

## «ҚЎРҒОН БЕРКИТМАКЛИККА БОШ КЕРАК...»

### БОБУРНИНГ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ

Бобур Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғли Бадиуззамоннинг Хисравшоҳ, укаси Вали ҳамда тарафдорларига қарши муҳорабасини чуқур таҳлил этади. Ҳусайн Бойқаро ва лашкарларининг муҳораба сирларидан огоҳ эмасликлари, аввало, ғаним ҳақида кам маълумотга эгалиги, душманни босиш, янчиш ўрнига иккиламчи ишларга берилишганини ёзади. У Ҳусайн Бойқаронинг икки ойлик ҳаракати маккор Хисравшоҳнинг оддий ҳийласи — Ҳусайн аскарлари жойлашган қўрғон, уйларга қалъа тешигидан тутун киритиб, уларнинг устидан осонгина ғолиб келганини афсус билан ёзади: «Алар тўшукни беркитган била тутун юққори қўрғон элига ўқ ёниб, қўрғон эли ўлум ичи бўлиб, қочиб чиқтилар».

«Бобурнома»да Ҳусайн Бойқарони ўткир саркарда, қиличбозликда беназирлиги эътироф этилса-да, рақиб билан муҳорабада ҳужумдан кўра мудофаага кўпроқ эътибор бериши танқид қилинган. Юқоридаги ҳолатда ҳам Ҳусайн йигитлари тутундан диққинафас бўлган лашкарни кўриб ҳужумга ўтишга рухсат сўраганда у кеч бўлгани, қоронғу тушаётганлигини сабаб билиб, рухсат бермайди. Бобур Султоннинг бу амрини мазкур муҳорабадаги қаттиқ янглишиш сифатида баҳолайди: «баъзи йигитлар тезлик қилиб урушға рухсат тиладилар. «Кечадур» деб Мирзо рухсат бермади».

Бобур уруш манзараларини тасвирларкан, ғалаба ва мағлубиятни ҳарбий куч, аскар ва зобитлар сони, ҳарбий восита, қуроллар кучи ва ўлчови билан белгилайди, қиёслайди, солиштиради. Унингча, ғалабага эришиш учун рақибдан аскар сонига кўра устун бўлиш шарт эмас. Зотан, Хисравшоҳнинг муҳораба тажрибаси устунлик қилган. Ҳусайн Бойқаронинг душман кучи, уруш мавқеи, вақтини («баҳор ёғинлари жиҳатидин...») аниқ инобатга олмагани уни мағлубиятга олиб келган. Энг ачинарли томони, бу муҳорабада Ҳусайн лашкари сон жиҳатидан устун бўлган («Булар мунча мирзолар ва мунча сардор беклар, бовужудким кишилари икки Хисравшоҳнинг кишисича бўлмаса, бир ярим ончада, худ не сўз...»). Яна ачинарлиси, Ҳусайн тарафдорларининг ғалабага ишончсизлиги, урушишга жазмлари йўқлиги уларни икки ой кавлаган хандақларидан ташқарига чиқмай ёв билан олишишларига монелик қилган («...жазм риояти қилиб, хандақдин чиқмадилар»).

Бобур темурийлар салтанатига ташқаридан бўладиган таҳдид ва ҳужумларни биргалашиб бартараф этишга ўта жиддий ёндошган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Шайбонийхон томонидан Ҳиротнинг босиб олингани Бобур томонидан қандай таҳлил қилинганини кўриб чиқайлик.

Тарихдан маълумки, Ҳирот шаҳрига Ҳусайн Бойқаронинг икки ўғли — Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо «баширкат» — шерикликда ҳоким этиб тайинланган. Бобур бу ҳолатни салбий баҳолаган. Қудратли Шайбонийхоннинг Ҳиротга яқинлашиши билан ҳар иккала султонзода мирзолар «...не урушмоққа озим эдилар, не қўрғон беркитмакка жозим, ҳеч ишни мушаххас қилмай, ҳеч ишнинг қилурин муҳаққақ билмай саросимавор ўлтуруб эдилар».

Иккала шаҳзодага икки етук бек соҳибихтиёр сифатида тайинланган эди (Музаффар мирзога Муҳаммад Бурундуқбек, Бадиуззамон мирзога Зуннун арғун). Бобур бу икки бекнинг ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий-стратегик қарашларини, уларнинг салтанат тақдирини ҳал этувчи жангга муносабатларини чуқур таҳлил этиб, ўз хулосаларини билдиради. «Муҳаммад Бурундуқбек ҳисоб билур киши эди» дер экан, Бобур биринчи навбатда унинг ҳимоя, ҳужум, лозим бўлганда, шикастсиз чекинишга доир мўлжалдаги режасига асосланади. Муҳаммад Бурундуқнинг тавсиясида барча кучларни бирлаштириш, саркардалар орасида якдилликка эришиш, асосий кучни тоғли ҳудудга олиб чиқиш назарда тутилган. Бу вазифани Бадиуззамон ва Зуннун Арғун бажаришлари, Ҳирот мудофааси билан эса ўзи ва Музаффар мирзо шуғулланишлари лозим эди.

Бобур нега Бурундуқнинг бу таклифини маъқулламоқда? Масала шундаки, бекнинг бу таклифи Бобурнинг ҳарбий назариясига ҳамоҳанг бўлиб, унга кўра, барча кучларни бир мақсад атрофида бирлаштириш (ҳатто Ҳирот мудофаасида ҳам шу назарда тутилган), душман ҳужумидан лашкарнинг ёппасига зарар кўриши олдини олиш, қолаверса, тоққа лашкар кўчириб, зарур вазиятда такрор ҳужумга ўтиш каби стратегик режалар кўзда тутиларди.

Бироқ Бадиуззамон мирзога Бурундуқ таклифини қабул қилмасликни маслаҳат берган Зуннун арғун фақат ўз шахсий манфаатидан келиб чиқади ва Бадиуззамон унинг найрангига учади. Бобур темурийзодаларнинг Ҳиротда Шайбонийхонга енгилишларининг бош сабабини кўпроқ шу хиёнатда деб билади. Унинг назарида, бу уруш хуросонлик темурийзодаларнинг ҳарбий саводсизлиги, муҳораба сирларини билмасликлари, калтабинлик, шахсий манфаатларга берилганликлари оқибатида ютқизилган.

**Давоми иккинчи бетда.**

## ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ СОВРИНДОРИ



### БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА

Ўтган йил ёш эстрада қўшиқчиси Тимур Иманжанов учун омадли келди. Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада вокал синфини тугатган Тимур "Кавсар" вокал жаз-квинтети таркибида халқаро жаз фестивали лауреати бўлди. Йил охирлаб қолганда эса Белорусиянинг Могилёв шаҳрида ўтган ёш эстрада хонандаларининг "Золотой шлягер — 2003" халқаро танловида учинчи мукофотни ҳамда танлов лауреатлигини қўлга киритди.

Шуни таъкидлаш керакки, Исроил, Озарбойжон, Россия, Литва, Грузия, Сербия, Черногория, Болгария, Украина, Қозоғистон, Молдова, Латвия каби турли давлатлардан саралаб олинган танлов қатнашчиларига қўйилган талаблар ниҳоятда жиддий эди.

Ҳар бир иштирокчи машҳур бўлиб кетган бирорта қўшиқни ва янги — ўзи яратган замонавий эстрада ашуласини И.Лученок, В.Иванов, В.Дайнеко, Б.Киров, Т.Гверцетели, Р.Лоретти, О.Фельцман, Д.Тухманов, И.Саруханов, М.Тошматов, А.Вески каби эстрада юлдузларидан иборат ҳайъат ҳукмига ҳавола этди. Т.Иманжанов устози ва продюсери М.Тошматов раҳбарлигида А.Рибниковнинг Р.Тагор шеърига ёзган "Сўнгги достон" қўшиғини ва ўзининг "Менинг севгим" композициясини тақдим этди.

Ҳайъат аъзолари ёш ижрочининг кучли ва товланувчан овозини, зиёлинамо ва ёқимтой қиёфасини, артистизми ва пластикасини (Тимур жуда яхши рақсга тушади) муносиб баҳоладилар.

Тимурнинг бошқа фазилатлари ҳам тилга олишга арзигуликдир. Масалан, у француз тилида эркин сўзлашади, шеър ва куйлар ёзади, яхшигина суратлар чизади, шунингдек, бадиий ҳуснихат бобида ҳам муваффақиятли қалам тебратади. Ижрочининг ташқи кўриниши унинг сийрати билан уйғун бўлиши керак, деб ҳисоблаган Тимур кийимлари эскизини ўзи яратади.

"Ижодкор ҳамиша изланишда бўлиши керак", деган иборани шиор қилиб олган Т.Иманжанов ҳозир ўзининг илк қўшиқлари тўплами устида изланмоқда.

**Лола ОБИДОВА**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Гулистон шаҳар болалар санъат мактабида "Наврўз" байрамига бағишланган "Азиз она юртим наволари" кўрик-танлови ўтказилди. Гулистон давлат санъат билим юрти талабаси Ҳалима Шомирзаева "Наврўз" қўшиғи (О.Даминов шеъри, Б.Асанов мусиқаси) билан биринчи ўринни эгаллади. Д.Алибекова иккинчи, Ш.Бойжигитов учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ғолиблар Тошкент шаҳрида ўтадиган республика кўрик-танловига йўлланма олдилар.

**Гўзал РАҲМОНОВА**

* * *

Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллиги муносабати билан Ёзувчилар уюшмасининг Навоий вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, "Дўстлик байроғи" газетаси, ўрта махсус таълим бошқармаси ҳамда Ўзбек тили илмий-маърифий маркази "Истеъдод ёлқини" деб номланган шеърий асарлар танловини эълон қилган эди. Улуғ шоир таваллуди куни танловнинг якуни бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати шоир Бобоқанд Мирзони танлов ғолиби деб топди. Педагогика институти талабалари Маҳбуба Нарзиева ва Дилфуза Турдиевалар иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлдилар.

**Олимжон АБДУЛҲАМИД**

## КУЮНЧАК ГАЗЕТХОН ЁЗАДИ

## УЯЛМАЙСИЗМИ?

Маҳалла чойхоналари обод. Отахонларнинг гангур-гунгур қилиб ўтиришганини кўриб севинаман. Лекин айрим катта ёшли одамларнинг ножўя қилиқларини кўриб эса уялиблар кетасан.

Шундай ишлардан ор қиладиган бир отахон билан суҳбатлашиб қолдим. Мен отахондан ёшингиз бир жойга етган, нафақада экансиз, нега бошқалардек чойхонага чиқмайсиз, — деб сўрадим.

— Меҳнатга ўрганганман, — кулди у киши, — умрим устачилик билан ўтди. Шундай тенгдошларим борки, кунини чойхонада ўтказади. Менинг бир соатим ҳам ҳисобли. Оилада рўзғор юмушларига қарашаман, маҳаллада ўтадиган тадбирларда қатнашаман. Қолаверса, фаолиятда бўлган одам касал бўлмайди. Тез қаримайди. Ўғилларимнинг эрталаб чойхонага етаклаб бориб, кечки пайт олиб келишидан Худонинг ўзи асрасин!..

Албатта, ҳеч ким кексаларни чойхонага чиқмасин, демайди. Гап бошқа ёқда. Баъзи маҳаллаларга чиқсанг, турли табиатли чолларни кўриб, ҳайратланасан, қачон қарасанг, уч-тўрт киши бўлиб олиб, "улфатчилик" қилишади. Набиралари тенги бир болани ичимлик олиб келишга югуртиришади. Суҳбатларига разм солсанг, ғийбатдан нарига ўтишмайди. Бировнинг эрини, бировнинг хотинини айблаб ётишади. Уларнинг баъзилари маҳалла ишларига масъул ҳам этиб тайинланган.

Шундай маҳаллаларнинг бирида иймон-эътиқодли бир йигит ошпазлик қилади. Кўп кузатаман, чоллар чой ичиб ўтиришса, хизматларини қилади. Ўртага спиртли ичимлик аралашдими, секин ўзини четга олади. Унинг ҳаракатида носоғлом муҳитга нисбатан норозилик кайфияти шундай кўриниб туради. Энг ёмони, чоллар бундан хижолат бўлмайдилар. Бир куни икки чол арзимаган масала устида ёқалашиб қолди. Чойхоначи йигитнинг уларни ажратиши қийин бўлди. Тутоқиб кетиб, беихтиёр "уялмайсизларми?" деб юборди.

Қизиқ, бу гапни ким кимга айтиши керак эди?! Маҳалла нима учун тарбия ўчоғи, деб аталади? Шу тобда бир шоирнинг "Оқ бошли тасқара" деб аталадиган ғаройиб қушга нисбат бериб ёзган шеърини эсладим:

**Не гуноҳинг бор эди, аталибсан тасқара,**
**Ажаб, қушга қўйилса лақаб — ҳолингга қара.**
**Балки, бу ҳам бир сабоқ: "Ҳар чол нуроний бўлмас",**
**Сочи оқарганни ҳам қилишади масхара?!**

Шоир ўз шеърини мана шундай чолларга қарата айтган бўлса не ажаб. Сочимга оқ тушган, ёшим катта, деб биз ёшларга шундай "ўрнак" бўлиш керак-ми? Кўчамиздаги ёшларнинг юриш-туришини бошқа маҳалладаги қариялар келиб назорат қилмайдилар-ку? Шундай аҳволдаги баъзи қариялар, биздан хабар олмайди, деб маҳалла раисини ҳам ёмонлаб юришади. Ўзига қарашли ҳудудни обод қилиш учун елиб-югурса, бечорани олғирга чиқариб қўйишади. Устидан ёзишади. Овора қилишади. Безор бўлган маҳалла раиси ишнинг бағридан ўтади, бошқаси келади. Бошқаси улардан "хабар оладиган" бўлиб чиқади.

Эҳтимол, бу мулоҳазаларим, ҳаётни кўрган, ҳар сўзи ибратли нуронийларнинг кўнглига оғир ботиши мумкиндир. Лекин маҳаллаларда ҳушёр отахонларнинг ўрнини баъзи ғийбатчи кимсалар эгаллаб ётмасин, демоқчиман, холос...

**Умид РАҲИМОВ**

## "МЕҲР-МУРУВВАТ — УЛУҒ ФАЗИЛАТ"

Янгиер шаҳридаги "Саховат уйи"да "Меҳр-мурувват — улуғ фазилат" мавзуида адабий мусиқий хайрия анжумани ўтказилди.

Маданият ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти республика маркази, Сирдарё вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси, республика "Нуроний", "Меҳр-шафқат ва саломатлик" хайрия жамғармалари, Сирдарё вилоятидаги "Экосан" жамғармаси бўлими ҳамда Янгиер шаҳар ҳокимлиги томонидан "Саховат уйи"да яшовчиларга кийим-кечаклар, дори-дармонлар ва совғалар топширилди.

Хонандалар М.Қозоқбоев, Ж.Мадисаев, А.Удаев, Ш.Бойжигитов, С.Раҳматова, Янгиер шаҳар санъат мактабининг рақс гуруҳи, Обиджон Ҳамидов раҳбарлигидаги "Ниҳол" дастаси қатнашчилари ўз куй-қўшиқ ва рақслари билан кўнгилларни шод этдилар.

**Азимжон ТОШТЕМИРОВ**

